
Аҳоли мурожаатлари ўрганилди

“Sevimli” телеканалининг “Zamon” инфор­ма­цион дастури орқали эфирга узатилган Кува тумани Сўфи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп-қаватли уй-жойларда истиқомат қилувчи аҳолини қийнаб келаётган мурожаатлар юзасидан масъуллар жалб этилиб, мавжуд ҳолат ўрганилди.

Ўрганиш давомида мазкур кўп қаватли уй-жойлар хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати шартнома асосида том қисмлари янгитдан ёпиб берилган.

Бироқ мазкур кўп қаватли уй-жойларни оқава сув ва табиий газ тармоқларига улашнинг имкони йўқлиги сабабли суюлтирилган газ балонлари ва кўмир заҳираси билан таъминланган.

Ҳудуд аҳолисининг болалар майдончаси, ҳожатхона ва омборхона қуриш масаласида қилган мурожаатларига асосан 2024 йилнинг 2 чораги давомида ҳудуддаги бўш ер майдонларида мазкур ишларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Ҳудуддаги ер майдонларини ноқонуний эгаллаб олиш масаласида қилинган мурожаатлар Кува тумани кадастр палатаси томонидан ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди.

Жумладан мазкур ер майдони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли Фармони­га асосан фуқаро М.Каримова фойдаланиб келаётган Сўфи МФЙ, Сўфи кўчасида жойлашган ҳовли жойни эгалик қарорини тиклаш учун, Сўфи МФЙ томонидан берилган маълумотнома ҳамда фуқаронинг Давлат хизматлар марказига берган 4334522-сонли буюртма аризасига асосан эгалик ҳужжатларига расмийлаштириб берилган.

2023-12-10 14:58:55